

Мақолалар

Туш таъбири ҳақида 24-боб

Muallif
islom.uz

25.01.2021
Ko'rishlar: 4,512

Manba: islom.uz



Фақиҳ Абу Лайс раҳимахуллоҳ айтадилар: Динда билимдон, фақиҳ бўлгандан сўнг, туш илмини ўрганса, зарари йўқ. Бу яхши илм. Дарҳақиқат, Аллоҳ таборака ва таоло Юсуф алайҳиссаломга туш таъбири илмини инъом қилди. Бу Аллоҳ таолонинг:

«Мана шундай қилиб Юсуфни - унга барча тушларнинг таъбирини билдириш учун ўша ерга жойлаштириб қўйдик» (Юсуф сураси, 21-оят), деган сўзидир.

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анхунинг: «Сизларга динда фақиҳ бўлиш, арабчани тушуниш ва тушнинг таъбирини яхши билиш лозимдир», деганлари ривоят

қилинган. Агар бу илм фиқҳ илмидан машғул қилиб қўйса, уни тарк этиб, фиқҳ илмини ўрганиш афзалдир. Чунки фиқҳ билан Аллоҳ таолонинг ҳукмлари билинади. Туш таъбири илми эса олдиндан яхшилиқни била олиши мумкин бўлган бир фол ўрнидадир.

Абу Юсуфдан туш масаласида сўрашганида: «Уйғоқликдаги ишдан фориғ бўлиб, уйқу иши билан машғул бўлишдир», деганлар. Муҳаммад ибн Сийринга кўпинча туш айтилганда: «Уйғонганингда Аллоҳдан қўрқ, шунда сенга уйқунгда кўрган нарса зарар бўлмайди», дердилар.

Исмоил ибн Олия Айюбдан ривоят қилади. У: «Менга Муҳаммад ибн Сийриннинг фатво эмас, балки тушга таъбир айтишини айтишди. Бир муддат у таъбир айтмай қўйди, кейин яна бошлади. Сўнг: «Таъбир мен гумон қилган бир гумондир. Бир кишининг тушини яхши гумон қилсам, яхшилиқни унга айтдим», деди».

Абу Қатода ривоят қилдилар: Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизларнинг туш таъбирида ростгўйлигингиз сўзда ростгўйлигингиздир», дедилар.

Бу ҳадисларда тушга таъбир айтишнинг зарари йўқлигига далил бордир. Гарчи у фолга ўхшаса ҳам.

«Бўстонул Орифийн» китобидан